

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ КОМИЛЖОН РАДЖАБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ДАРЁЛАРИ МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИ
ВА УЛАР ҲАВЗАЛАРИДАН ТУПРОҚ-ГРУНТЛАР
ЮВИЛИШИ ЖАДАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Рахмонов Комилжон Раджабович

Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиқлари ва улар ҳавзаларидан
тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш.....3

Рахмонов Комилжон Раджабович

Сток взвешенных наносов горных рек Узбекистана и оценка
интенсивности смыва почво-грунтов с их бассейнов.....21

Rakhmonov Komiljon Radjabovich

Runoff of suspended sediments of mountain rivers of Uzbekistan and
assessment of soil washout intensity from their basins.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ КОМИЛЖОН РАДЖАБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ДАРЁЛАРИ МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИ
ВА УЛАР ҲАВЗАЛАРИДАН ТУПРОҚ-ГРУНТЛАР
ЮВИЛИШИ ЖАДАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/G20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.meteo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чембарисов Эльмир Исмаилович
география фанлари доктори, профессор

Мурадов Шухрат Одилович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-текшириш институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371319, E-mail: nigmi@albatros.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-текшириш институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371319.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

В.Е.Чуб

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.Э.Нишонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

С.В.Мягков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида кечаётган глобал иқлим ўзгариши оқибатида қурғоқчил ҳудудлар майдони кенгайиб, тупроқ эрозияси йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу борада халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қайд этилишича, «...аҳоли сони ўсиши билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши салоҳиятининг камайиб бораётганлиги, сув эрозияси натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва агроиклимий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, энг аввало, ҳудудларни қишлоқ хўжалиги тармоқларига тўғри ихтисослаштирмаслик оқибатида юзага келмоқда»¹. Ушбу ҳолат дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиш механизмини тадқиқ этишни ва улар ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, сув эрозияси ва дарёлар муаллақ оқизикларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этишга, уларни баҳолаш усулларини такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунё миқёсида дарёлар сув тўплаш майдонлари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва, шу асосда, ирригация тизимлари, гидротехника иншоотлари ва бошқа муҳандислик коммуникацияларини лойиҳалаш, уларни қуриш ва самарали эксплуатация қилиш, келажакда тоғли ҳудудларнинг ер-сув ва сув-энергетика ресурсларини босқичма-босқич ўзлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, мамлакатимиз ер ва сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, айниқса, кичик дарёлар ва сойлар ҳавзаларининг ер, сув ва энергетика ресурслари салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, бир қанча сув омборларини қуриш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш борасида сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари гидрологик режимини аниқлаш, уларнинг гидрологик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹An Introduction to Water Erosion Control, December 2017.

² Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3286-сонли Қарори, 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жараёни ва унинг маҳсули бўлган дарёлар муаллақ оқизиклари ҳосил бўлиши ва уларни миқдорий баҳолаш масалаларига кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. Жумладан, ушбу масалалар собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан Д.И.Абрамович, Б.В.Поляков, Г.И.Шамов, Г.В.Лопатин, Н.И.Маккавеев, А.В.Караушев, Г.Н.Хмаладзе, М.Н.Заславский, К.С.Кабанова, Р.С.Чалов, Г.И.Швебс, А.П.Дедков, В.И.Мозжерин, узоқ чет эллик олимлардан Р.Е.Хортон, Н.Н.Bennett, A.Barat, N.L.Coleman, J.M.Jansen, R.V.Painter, V.A.Vanoni, W.D.Ellison, J.N.Holeman, W.H.Wisehmeierларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Ушбу олимларнинг ишларида дарёлар ҳавзаларида кечадиган сув эрозиясини миқдорий баҳолаш усуллари, мазкур жараёнга турли табиий географик омилларнинг таъсирини ёритишга қаратилган илмий ёндашувлар, дарёлар ҳавзаларини сув эрозияси жадаллиги бўйича гуруҳлаштириш мезонлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги илк монографик тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Шеглова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Кейинчалик улар А.А.Хоназаров, Х.М.Махсудов, Ю.Н.Иванов, А.Р.Расулов, С.Р.Саидова, З.С.Сирлибаева, А.Н.Нигматов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Х.Қ.Ташметов, Д.П.Айтбаев ва бошқа олимлар томонидан давом эттирилган. Бу олимларнинг тадқиқотлари асосан сув эрозияси жараёнларининг маҳсули ҳисобланган дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиш хусусиятлари, уларга турли табиий географик омиллар, жумладан, иқлимий омиллар таъсирини баҳолашга ва, пировард натижада, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланган.

Бироқ, юқорида санаб ўтилган тадқиқотларнинг деярли барчасида асосий эътибор хорижий мамлакатлар, собиқ Иттифоқ ёки Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари муаллақ оқизикларини ўрганишга ва улар ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жадаллигини баҳолашга қаратилган. Ушбу ишларда бевосита Ўзбекистон ва унга туташ бўлган ҳудудларда шаклланадиган дарёлар деярли ўрганилмаган. Мазкур ҳолат муаллақ оқизикларнинг

шаклланиши ва тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллиги билан боғлиқ бўлган муаммони Ўзбекистон тоғ дарёлари мисолида, янги гидрологик маълумотлар асосида, янада чуқурроқ ва кенг миқёсда тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, айнан шу жиҳатлари билан юқорида келтирилган ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф6-062 - «Орол денгизи дарёлари муаллақ оқизиклари ҳосил бўлиши қонуниятларини уларни ҳисоблаш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқ этиш» (2007-2011 йй.) ва ОТ-Ф5-13 – «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиши ҳамда улар ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиш жараёнини гидрологик ва метеорологик омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш;

дарёлар ҳавзалари юзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини ифодаловчи муаллақ оқизиклар сарфи ва оқими, ювилиш модули, ювилиш қатлами каби гидрологик катталикларнинг меъёрий қийматларини аниқлаш;

дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини миқдорий баҳолашнинг мавжуд усулларини, уларга метеорологик омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш;

дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини баландлик зоналари бўйича тақсимланиш хусусиятларини аниқлаштириш;

дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини, уларнинг баландлик зоналари бўйича ўзгариш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, хариталаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда шаклланадиган тоғ дарёлари ва уларнинг муаллақ оқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тоғ дарёлари ҳавзалари юзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши ва муаллақ оқизиклар ҳосил бўлиши жараёнларини тадқиқ этиш, уларни ифодаловчи гидрологик катталикларни миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда махсус гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, гидрологик ўхшашлик, географик умумлаштириш, математик статистика, жумладан, корреляцион боғланишларни баҳолашнинг объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш ҳамда картографик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

дарёларда йил давомида ҳамда турли мавсумларда шаклланадиган муаллақ оқизиклар миқдорини ҳисоблаш ва прогнозлаш методикалари кўп ҳадли боғланишлар асосида такомиллаштирилган;

дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши модулининг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши аниқланган;

дарёларнинг муаллақ оқизиклари билан гидрометеорологик омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари яратилган;

тоғ дарёлари ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши хариталари яратилган, сув эрозиясини камайтириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

турли мавсумлардаги атмосфера ёғинлари билан ҳаво ҳароратининг тоғ дарёлари муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига кўшган ҳиссалари баҳоланган;

дарёларнинг муаллақ оқизиклари билан гидрометеорологик омиллар орасидаги боғланишларни ифодаловчи нормаллаштирилган регрессия тенгламалари асосида уларни миқдорий баҳолаш имконини берадиган ҳисоблаш номограммалари таклиф этилган;

номограммалар ўрганилган дарёлар мисолида синовдан ўтказилиб, улар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини ифодаловчи гидрологик катталикларнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

дарёлар муаллақ оқизикларининг миқдорий кўрсаткичлари, жумладан, оқизиклар ҳажми, ювилиш модули, эрозион метрларнинг меъёрий қийматлари аниқланган;

дарёлар ҳавзаларидан бўладиган ювилиш модулининг баландлик зоналари бўйича ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, тупроқ-грунтлар ювилиши хариталари Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги алоҳида дарёлар ҳавзалари учун тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази - Ўзгидромет тизимида ягона усулда амалга оширилган гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги тизими маълумотларидан ҳамда тармоқ илмий тадқиқот институтлари материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда олинган асосий натижалар ва

хулосалардан тоғ дарёлари ҳавзаларида кечадиган денудация ва унинг мантикий давоми ҳисобланган сув эрозияси жараёнлари ҳамда бу жараёнларнинг маҳсули бўлмиш дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишини тадқиқ этишда қўлланиладиган илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда олинган асосий хулоса ва тавсиялардан гидротехник иншоотлар, жумладан, сув омборлари ва ирригация тизимларини лойиҳалаш, уларни қуриш ва самарали эксплуатация қилишга, сув эрозиясининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари ва улар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дарёларнинг муаллақ оқизиклари билан гидрометеорологик омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишлар, уларнинг таҳлили асосида берилган таклифлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/30-212-сон маълумотномаси). Натижада дарёлар муаллақ оқизикларининг миқдорий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва бу ҳолат гидротехник иншоотлар, ирригация тизимларини эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига қўшган ҳиссалари ва улар негизида олинган илмий асосланган хулосалар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/30-212-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимиз дарёлари сув ва сув-энергетика ресурсларини босқичма-босқич ўзлаштириш, улардан оқилона фойдаланишга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш имконини берган;

дарёлар лойқа оқизиклари сарфларини ҳисоблаш ва прогнозлаш методикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалий таклиф сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/30-212-сон маълумотномаси). Натижада дарёлар лойқа оқизикларининг йил давомида тақсимланишини ҳисоблаш, прогнозлаш ва сув олиш иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

тупроқ-грунтлар ювилиши хариталаридан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида дарёлар ҳавзалари юзаларидан сув билан олиб кетиладиган унумдор тупроқ миқдорини аниқлашда, сув эрозияси жадаллигини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 12 мартдаги 05/21-655-сон маълумотномаси). Ушбу

натижалар республикамиз дарёлари ҳавзаларидаги мавжуд ўрмонларнинг сув эрозиясининг салбий таъсиридан ҳимоялаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та ҳалқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳондаги долзарблиги масаласи ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон тоғ дарёлари ҳавзаларининг табиий шароити ва гидрометеорологик ўрганилганлиги**” номли биринчи бобида дастлаб, тоғ дарёлари ҳавзаларининг табиий шароити муаллақ оқизиклар ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилган, сўнг дарёларнинг гидрометеорологик ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотда фойдаланилган муаллақ оқизиклар ҳақидаги бирламчи маълумотлар аниқлиги баҳоланган.


Дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишида улар ҳавзаларининг табиий географик шароити асосий ўрин тутди. Диссертация ишида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган барча дарёлар ҳавзалари Ўзбекистоннинг шарқий - тоғли қисмида жойлашган. Ушбу ҳудуднинг табиати ҳақидаги маълумотлар П.П.Семёнов-Тянь-Шанский, А.П.Федченко, Н.А.Северцев, В.А.Ошанин, И.В.Мушкетов, Р.И.Аболин, Е.П.Коровин, Д.Н.Кашкаров, Л.К.Давидов, Э.М.Мурзаев, А.Н.Розанов, С.А.Шувалов, П.С.Маккеев, С.Ю.Геллер, В.А.Бугаев, В.А.Джорджио, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, В.Г.Коновалов ва бошқаларнинг асарларида учрайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, унинг табиий шароитини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада А.А.Абдулқосимов,


Л.А.Алибеков, М.М.Маматқулов, Г.Е.Глазирин, А.С.Шетинников, Ш.С.Зокиров, В.Е.Чуб, Т.М.Мухторов, И.А.Ҳасанов ва П.Н.Ғуломов, Б.А.Камолов, А.Н.Нигматов, Т.Ж.Жумаев, Ф.Ҳ.Ҳикматов каби олимларнинг тадқиқотлари натижалари акс этган илмий ишлар батафсил маълумотлар келтирилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ишнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда Ўзбекистон тоғ дарёлари ҳавзаларининг табиий шароитига муаллақ оқизиклар ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан тавсиф берилди. Мазкур йўналишда асосий эътибор Чирчиқ, Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Қашқадарё, Зарафшон (Ўзбекистон қисми), Сурхондарё ҳавзаларидаги дарёлар муаллақ оқизикларини ўрганишга қаратилган. Шу туфайли, диссертацияда ҳар бир дарё ҳавзаси табиий географик шароитининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Мазкур бобда дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши ва улар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатадиган асосий метеорологик катталиклар - атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариши хусусиятлари тавсифига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўрганилаётган дарёлар ҳавзаларида кузатиш ишлари олиб борадиган метеорологик пунктлар маълумотлари асосида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ўзгаришлари Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси мисолида кўриб чиқилди (1- ва 2-расмлар).



1-расм. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариши



2-расм. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ўзгариши


Диссертация ишида, тегишли таҳлиллар асосида 71 та гидрологик кузатиш пунктлари таянч ҳисоб пунктлари сифатида танлаб олинди. Улар дарёлар ҳавзалари бўйича турлича тақсимланган. Уларнинг 32 таси Сирдарё ҳавзасига, 39 таси эса Амударё ҳавзасига тўғри келади.

Диссертациянинг “**Дарёлар муаллақ оқизикларининг шаклланишига гидрометеорологик омилларнинг таъсири**” деб номланган иккинчи бобида дарёлар ўртача ойлик ва йиллик муаллақ оқизиклари билан сув сарфларининг ўзгарувчанлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари тадқиқ этилиб, муаллақ оқизиклар билан метеорологик омиллар орасидаги кўп ҳадли


боғланишлар статистик баҳоланган. Шунингдек, атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига кўшган ҳиссалари синовдан ўтган статистик усулларда аниқланган.

Ушбу боғланишлар Ўзбекистон тоғ дарёлари ҳавзаларида фаолият кўрсатаётган 71 та гидрологик постлар ҳамда уларнинг ҳавзаларида ёки уларга яқин жойлашган метеорологик станциялар маълумотлари асосида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Дарёлар муаллақ оқизиклари ҳамда сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффицентлари (C_{VR} ва C_{VQ}) статистик баҳоланди ҳамда улар орасидаги боғланишлар ўрганилди (3-расм). Дарёларнинг муаллақ оқизиклари билан сув сарфлари орасида боғланишлар тадқиқот объекти сифатида танланган барча дарёлар ҳавзалари мисолида кўриб чиқилди. Дарёлар сув ўлчаш постларида кузатилган ўртача йиллик муаллақ оқизиклар ва сув сарфлари орасидаги боғланишлар зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентлари ҳисобланди ва таҳлил қилинди. Масалан, Чотқол дарёсининг Худойдодсой қуйилишидаги гидрологик постида кузатилган маълумотлар асосида ҳисобланган $R=f(Q)$ типигаги боғланиш зичлигини ифодалайдиган жуфт корреляция коэффицентининг қиймати 0,876 ни ва унинг хатолиги $\pm 0,022$ ни ташкил этди (4-расм).



3-расм. Қашқадарё ҳавзаси дарёлари муаллақ оқизиклари ва сув сарфлари ўзгарувчанлик коэффицентларининг ўзаро боғлиқлиги



4-расм. Муаллақ оқизиклар (R) ва сув сарфлари (Q) орасидаги боғланиш, Чотқол – Худойдодсой қ.

Ўрганилган барча ҳавзалар дарёларида қайд этилган муаллақ оқизиклар билан сув сарфлари орасидаги боғланишлар зичлигини ифодалайдиган жуфт корреляция коэффицентларининг қийматлари $0,600 \div 0,978$ оралиқда ўзгаради, 70 % дан ортиқ ҳолатда уларнинг қиймати 0,750 дан катта бўлди (1-жадвал).

Баланд тоғлардаги доимий қор қоплами ва музликлар сувлари ҳисобига содир бўладиган эрозион жараёнларнинг жадаллиги, асосан, ҳавзадаги мусбат ҳаво ҳароратлари қийматлари билан аниқланади. Ҳаво ҳарорати учун ҳисоб даврини танлашда Ўзбекистон дарёлари муаллақ оқизиклари оқимининг йил ичида тақсимланиши ҳисобга олинди. Натижада ҳаво

харорати режимининг индекси сифатида метеорологик станцияларда илик ярим йилликда, яъни апрель-сентябрь ойларида кузатилган маълумотларнинг ўртача қийматларидан фойдаландик.

1-жадвал

Муаллақ оқизиклар билан сув сарфларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи корреляция коэффициентлари (r) нинг ўзгариш оралиқлари

Т/р	Дарё ҳавзаси	Гидрологик постлар сони, N	Ўзгариш оралиқлари	
			$r_{\text{мин}}$	$r_{\text{мак}}$
1	Чирчиқ	13	0,669	0,900
2	Оҳангарон	12	0,616	0,971
3	Сангзор-Зоминсув	7	0,733	0,931
4	Зарафшон	8	0,684	0,858
5	Қашқадарё	15	0,600	0,978
6	Сурхондарё	16	0,610	0,892
	Жами	71		

Ҳисоблашлар Г.А.Алексеев томонидан таклиф этилган корреляцион боғланишларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулини қўллаш асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари сарфлари билан иқлимий омиллар, яъни қишки (X_k) ва ёзги (X_e) атмосфера ёғинлари ҳамда ўртача ёзги ҳаво ҳароратлари (t_e) орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланди. Жуфт корреляция коэффициентлари (r_{01} , r_{02} , r_{03} , r_{12} , r_{13} ва r_{23}) нинг ҳисобланган қийматлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзгариш чегаралари баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

Муаллақ оқизиклар сарфлари билан метеорологик омиллар орасидаги боғланишларнинг статистик кўрсаткичлари

Т/р	Дарё ҳавзаси	N	Ўзгариш оралиқлари		
			r_{01}	r_{02}	r_{03}
1	Чирчиқ	11	0,124÷0,674	0,133÷0,523	-0,457÷0,182
2	Оҳангарон	9	-0,284÷0,447	0,510÷0,769	-0,599÷-0,068
3	Сангзор-Зоминсув	6	-0,140÷0,415	0,060÷0,414	-0,470÷0,380
4	Зарафшон	7	-0,099÷0,529	0,170÷0,456	-0,634÷-0,072
5	Қашқадарё	7	0,272÷0,480	0,155÷0,517	-0,609÷-0,166
6	Сурхондарё	13	-0,160÷0,785	-0,030÷0,614	-0,516÷-0,049

Изоҳ: r_{01} , r_{02} , r_{03} – муаллақ оқизиклар сарфлари билан, мос равишда, қишки ва ёзги ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентлари.

Ўрганилган барча ҳавзаларга тегишли бўлган дарёлар муаллақ оқизиклари билан қишки ва ёзги ёғинлар орасидаги боғланишларни ифодалайдиган жуфт корреляция коэффицентлари мусбат қийматларга эга бўлиб, улар мос равишда $0,124 \div 0,674$ ва $0,133 \div 0,523$ ораликларда ўзгаради. Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар муаллақ оқизиклари билан ёзги ёғинларнинг боғлиқлиги, қишки ёғинларга нисбатан зичроқ, қор сувларидан тўйинадиган дарёларда эса унинг акси кузатилиши аниқланди.

Диссертация ишида ўрганилган барча дарёлар ҳавзалари учун регрессия коэффицентлари (α_{01} , α_{02} , α_{03}) ҳисобланди. Уларнинг қийматлари ҳамда юқорида аниқланган жуфт корреляция коэффицентларининг қийматлари асосида нормаллаштирилган регрессия тенгламалари аниқлигини баҳолаш имконини берадиган тўлиқ корреляция коэффицентлари (r_0) ҳисобланди (3-жадвал).

3-жадвал


Регрессия коэффицентлари ва тўлиқ корреляция коэффицентларининг ўзгариш ораликлари

Т/р	Дарё ҳавзаси	N	Ўзгариш ораликлари			
			α_{01}	α_{02}	α_{03}	r_0
1	Чирчиқ	11	$0,064 \div 0,620$	$0,049 \div 0,481$	$-0,411 \div 0,144$	$0,50 \div 0,74$
2	Оҳангарон	9	$-0,169 \div 0,382$	$0,400 \div 0,885$	$-0,307 \div 0,671$	$0,48 \div 0,81$
3	Сангзор-Зоминсув	6	$0,230 \div 0,425$	$-0,045 \div 0,574$	$-0,448 \div 0,474$	$0,50 \div 0,59$
4	Зарафшон	7	$-0,272 \div 0,507$	$0,146 \div 0,389$	$-0,059 \div -0,535$	$0,44 \div 0,68$
5	Қашқадарё	7	$0,123 \div 0,389$	$0,009 \div 0,34$	$-0,054 \div -0,460$	$0,48 \div 0,66$
6	Сурхондарё	13	$-0,199 \div 0,745$	$-0,171 \div 0,557$	$-0,028 \div -0,510$	$0,50 \div 0,84$

Изоҳ: N – гидрологик кузатиш постлари сони; α_{01} , α_{02} ва α_{03} – регрессия коэффицентлари; r_0 - тўлиқ корреляция коэффицентини.

Чирчиқ ҳавзасидаги 11 та гидрологик постда кузатилган муаллақ оқизиклар билан метеорологик омиллар (X_k , X_e , t_e) орасидаги боғланишлар зичлигини ифодаловчи тўлиқ корреляция коэффицентларининг қийматлари ҳавза дарёлари бўйича қуйидагича тақсимланган: 3 та дарёда $r_0 = 0,50 \div 0,60$ ораликдаги бўлган қийматларни қабул қилган бўлса, қолган дарёларда уларнинг қийматлари $0,71 \div 0,74$ ораликда ўзгаради. Оҳангарон ҳавзаси дарёларида тўлиқ корреляция коэффицентининг қийматлари, $r_0 = 0,48$ га тенг бўлган Дуқантсой (Дуқант) дан ташқари, $0,65 \div 0,81$ ораликда ўзгариб туради.

Ўрганилган дарёлар О.П.Шеглова таснифи бўйича, тўйиниш манбаларига кўра, гуруҳларга ажратилди. Ҳар бир типга мансуб бўлган дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига ёзги ҳаво ҳарорати, қишки ҳамда ёзги атмосфера ёғинларининг қўшган ўртача ҳиссалари аниқланди (5-расм).



5-расм. Муаллақ оқизиклар оқимининг ҳосил бўлишига метеорологик омилларнинг қўшган ҳиссалари

Дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига ёзги ва қишки атмосфера ёғинларининг қўшган ҳиссалари, тўйиниш манбаларига мос равишда, бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Чирчиқ ҳавзаси дарёларида қишки ёғинларнинг ҳиссалари, дарёлар ҳавзаларининг ўртача баландликларига мос равишда, ортиб боради. Жумладан, нисбатан пастда жойлашган Угом, Наволисойларда қишки ёғинлар ҳиссаси 50-55 % ни ташкил этса, ўртача баландликлари нисбатан катта бўлган Писком дарёси ва унинг ирмоқларида 65-75 % га тенг. Уларнинг барчасида ёзги ёғинларнинг ҳиссалари эса, аксинча, камайтирилади (5-расм).

Диссертациянинг “**Дарёлар ҳавзалари юзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини ифодаловчи гидрологик катталиклар ва уларни аниқлаш усуллари**” деб номланган учинчи бобда, дастлаб, дарё ҳавзаси юзасидан ювилиш жадаллигини ўрганишнинг мавжуд усуллари кўриб чиқилган. Бунда оқимли майдончалар, реперлар (қозикчалар), сув оқими ҳосил қилган ўйиқлар, монолитлар ва сунъий ёмғирлатиш, гидрометрик ҳамда биологик усуллар ҳақида маълумот берилган. Сўнг, дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлар, уларни аниқлаш масалаларига алоҳида тухталиб ўтилди. Ушбу бобнинг кейинги қисмида дарёлар ҳавзалари юзасидан ювилиш жадаллигининг гидрологик катталикларини миқдорий баҳолаш масалаларига эътибор қаратилган.

Диссертацияда Ўзбекистон тоғ дарёларида кузатишга муаллақ оқизиклар ва сув сарфларининг экстремал қийматлари асосида, уларнинг эрозион фаолияти кўрсаткичлари махсус ҳисоблаш ифодалари ёрдамида аниқланди. Олинган натижаларнинг таҳлили дарёлар ҳавзалари бўйича эрозион фаолият кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолашга ва, шу асосда, тупроқ-грунтлар ювилиши жадал суратларда кечадиган сув эрозияси ўчоқларини аниқлашга имкон берди (4-жадвал).

**Дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши
жадаллиги кўрсаткичлари**

Т/р	Дарё ҳавзаси	N	Катта лик	Оқизиклар оқими		M_R , т/км ² ·йил	$h_{ю}$, мм	$h_э$, йил
				W_{RG} , 10 ³ т	W_{RV} , 10 ³ м ³			
1	Чирчиқ	13	Мак	23,02	15,3	406	0,271	3690
			Мин	0,568	0,379	24,4	0,016	62500
2	Оҳангарон	12	Мак	200	133	159	0,106	9434
			Мин	0,631	0,421	4,93	0,003	333333
3	Сангзор- Зоминсув	7	Мак	5,39	3,59	121	0,081	12346
			Мин	1,51	1,01	10,2	0,007	142857
4	Зарафшон	8	Мак	3,34	2,23	133	0,089	11236
			Мин	1,48	0,987	5,99	0,004	250000
5	Қашқадарё	15	Мак	248	165	294	0,195	5128
			Мин	24,6	16,4	15,7	0,010	100000
6	Сурхондарё	14	Мак	4384	2922	504	0,336	2976
			Мин	144	96,0	54,1	0,036	27778

Изоҳ: N – гидрологик постлар сони; W_{RG} - оқизиклар оқими, оғирлик ўлчов бирлигида; W_{RV} - оқизиклар оқими, ҳажм ўлчов бирлигида; M_R – ювилиш модули; $h_{ю}$ – ювилиш қатлами; $h_э$ – эрозион метр.


Ҳисоблашлар натижалари таҳлиliga кўра, Сурхондарё (Шўрчи қ.) ҳавзаси тупроқ-грунтлар ювилиши жараёнининг жадал суратларда кечиши билан ажралиб туради. Мазкур дарёда кузатилган ўртача кўп йиллик қийматлар асосида аниқланган ювилиш модули $M_R = 504$ т/км²·йил ни ташкил қилган бўлса, ювилиш қатлами $h_{ю} = 0,336$ мм га тенг бўлди. Шу билан бирга, дарё ҳавзасидан йилига $4,38 \cdot 10^6$ тонна тупроқ-грунтлар ювилиши аниқланди. Ушбу маълумотлар асосида аниқланган эрозион метр кўрсаткичи $h_э = 2976$ йилга тенг бўлди. Демак, Сурхондарё ҳавзаси ўрта ҳисобда 2976 йилда бир метр пасаяди. Аксинча, Оҳангарон ҳавзасидаги Оқчасой (Оқча қ.) ҳавзасининг эрозион метр кўрсаткичи кичиклиги билан ажралиб туради. Мазкур дарё ҳавзасидан бўладиган ювилиш модули 4,93 т/км²·йил га тенг. Ушбу кўрсаткични Сурхондарё (Шўрчи қ.) ҳавзаси билан солиштирадиган бўлсак, фарқ 100 баробардан ҳам кўпроқ қийматни ташкил этади.

Диссертациянинг “Дарёлар ҳавзаларидан ювилиш жадаллигининг


баландлик бўйича ўзгариши ва уни хариталаштириш” деб номланган тўртинчи бобида дарёлар ҳавзаларидан ювилиш жадаллигини баҳолаш, ушбу жараёнларни шакллантирувчи гидрометеорологик омиллар (ёмғир, қор ва музлик сувлари)га боғлиқ ҳолда, амалга оширилди. Шунингдек, дарёлар муаллақ оқизикларини ҳамда сув эрозияси жадаллигини иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, миқдорий баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган. Дарёлар ҳавзаларидан ювилиш модули ва ювилиш жадаллиги хариталаштирилган.

Муаллақ оқизиклар сарфларини ҳисоблаш ва прогнозлаш ишларини бажаришда қулайлик яратиш учун, нормаллаштирилган регрессия тенгламалари асосида, махсус номограммалар тузилди (6-расм).

Олинган натижалар аниқлигини баҳолаш мақсадида вегетация даври муаллақ оқизиклари сарфларининг кузатилган (R_g^K) ва номограмма ёрдамида ҳисобланган (R_g^X) қийматлари ўзаро солиштирилди. Уларнинг кузатилган ва ҳисобланган қийматлари орасидаги боғланишни ифодалайдиган жуфт корреляция коэффициентини $0,886 \pm 0,046$ га тенг бўлди (7-расм).




6-расм. Оҳангарон (Ертош қ.) дарёсининг вегетация даври муаллақ оқизиклари сарфлари (R_b) ни метеорологик омилларга боғлиқ ҳолда баҳолаш номограммаси



7-расм. Вегетация даври муаллақ оқизикларининг ҳисобланган ва кузатилган қийматларининг боғлиқлиги графиги

Дарёлар ҳавзаларининг турли баландлик зоналаридан бўладиган ювилиш модули О.П.Шеглова томонидан ишлаб чиқилган усул билан аниқланди. Ювилиш модулининг ҳисобланган қийматлари асосида тупроқ-грунтлар ювилиши карталари Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзалари учун замонавий ГИС технологиялари (Map Info, Arc GIS)ни қўллаган ҳолда тузилди (8-расм).

Ушбу карталар диссертация тадқиқотида ўрганилган дарёлар ҳавзаларида эрозия жараёнлари жадал суратларда кечадиган сув эрозияси ўчоқларини аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, дарёлар ҳавзаларида кечадиган эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.



8-расм. Чирчиқ дарёси хавзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши харитаси

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон тоғ дарёлари ҳавзалари табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари муаллақ оқизиклар ҳосил бўлиши нуқтаи-назаридан ўрганилди. Худудларнинг гидрологик ўрганилганлиги 200 дан ортиқ гидрологик постлар, метеорологик ўрганилганлиги эса 100 га яқин метеорологик кузатиш пунктлари маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Белгиланган мезонлар асосида амалга оширилган таҳлиллар натижасида 71 та кузатиш жойлари ҳисоб гидрологик постлари сифатида қабул қилинди. Уларнинг сув тўплаш майдонлари $15,6 \div 10900$ км², ўртача баландликлари эса $910 \div 3140$ м ораликларда ўзгаради.

2. Дарёлар муаллақ оқизиклари ва сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳисобланди ва ушбу коэффициентлар орасидаги боғланишлар статистик баҳоланди. Ушбу боғланишларни ифодаловчи корреляция коэффициентларининг оралик қийматлари $0,68 \div 0,98$ га тўғри келади. Барча дарёлар ҳавзалари учун олинган $R=f(Q)$ кўринишдаги боғланишлар зичлигининг статистик кўрсаткичи, яъни корреляция коэффициенти $r \geq 0,50$ шартини бажариб, гидрологик ҳисоблашларда қўйиладиган талаблар мезонларига жавоб беради.

3. Дарёларнинг ўртача йиллик муаллақ оқизиклари билан метеорологик миқдорлар, яъни қишки ва ёзги атмосфера ёғинлари орасидаги боғланишлар ўрганилди. Мазкур боғланишларни ифодаладиган жуфт корреляция коэффициентлари ўрганилган барча ҳолатларда мусбат қийматларга эга бўлиб, улар мос равишда $0,124 \div 0,674$ ва $0,133 \div 0,523$ ораликларда ўзгаради. Уларнинг энг катта қийматлари қор-ёмғир ва қор сувларидан тўйинадиган типдаги дарёларга тегишлидир.

4. Регрессия коэффициентлари ($\alpha_{01}, \alpha_{02}, \alpha_{03}$) ҳамда жуфт корреляция коэффициентлари (r_{01}, r_{02}, r_{03}) қийматлари асосида нормаллаштирилган регрессия тенгламаларининг аниқлигини баҳолаш имконини берадиган тўлиқ корреляция коэффициентлари (r_0) ҳисобланди. Чирчиқ дарёси ҳавзасида жойлашган 11 та дарёдан 3 тасида тўлиқ корреляция коэффициентлари 0,50 дан 0,60 гача бўлган қийматларда бўлса, қолган дарёларда уларнинг қиймати $0,71 \div 0,74$ оралиғида ўзгаради. Тўлиқ корреляция коэффициентларининг қийматлари Оҳангарон ҳавзаси дарёларининг деярли барчасида ($r_0=0,48$ га тенг бўлган Дуқантсойдан ташқари) $0,65 \div 0,81$ оралиғида ўзгариб туради. Ушбу натижалар ишда физик-статистик ҳисоблашлар асосида олинган нормаллаштирилган регрессия тенгламаларини махсус гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш учун тавсия этиш имконини беради.

5. Дарёлар О.П.Шеглова таснифи бўйича гуруҳларга ажратилди. Ҳар бир типдаги дарёлар ҳавзалари юзаларидан ювилиш жадаллигини ифодаловчи гидрологик катталикларнинг миқдорий қийматлари экстремал сувли йиллар учун аниқланди. Ушбу дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига метеорологик катталиклар – қишки ва ёзги атмосфера ёғинлари

ҳамда ёзги ҳаво ҳароратлари қўшган ҳиссаларининг ўртача қийматлари ҳисобланди. Зарафшон ҳавзаси дарёларида ёзги ҳаво ҳароратининг ўртача ҳиссаси 35 %, ёзги атмосфера ёғинларники 40 % ва қишки ёғинларники эса 25 % атрофида бўлди. Ушбу нисбий қийматларнинг, жумладан, қишки ва ёзги ёғинлар ҳиссаларининг қор ҳамда қор ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёларда катта бўлиши аниқланди.

6. Дарёлар ҳавзаларидан ювилиш миқдорининг турли баландлик зоналари бўйича миқдорий қийматлари О.П.Шеглова томонидан ишлаб чиқилган генетик таҳлил усули асосида ҳисобланди. Дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини хариталаштириш мақсадида бажарилган ушбу ҳисоблашларда сув эрозияси жараёнларини шакллантирувчи гидрометеорологик омиллар ҳам эътиборга олинди. Ювилиш модулининг турли баландлик зоналари бўйича аниқланган миқдорий қийматлари, дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишини ифодалайдиган, аниқлаштирилган хариталарни тузиш имконини берди.

7. Дарёлар ҳавзаларининг турли баландлик зоналари учун ювилиш модулининг ҳисобланган қийматлари асосида тупроқ-грунтлар ювилиши хариталари Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзалари учун тузилди. Хариталарни тузиш замонавий ГИС технологиялари, Map Info, Arc GIS дастурларини қўллаш асосида амалга оширилди. Барча карталарда дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши модулининг энг катта қийматлари эрозия ўчоқларига, аниқроғи 1100-1700 м баландлик зоналарига, минимал қийматлари эса оқим модули кичик бўлган, яъни 1100 м дан паст ва ювилишга бардошли тоғ жинслари билан қопланган 2500 м ва ундан баланд зоналарга тўғри келади. Ушбу хариталардан Ўзбекистон дарёлари ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жадаллигини баҳолаш ҳамда бу жараённинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАХМОНОВ КОМИЛЖОН РАДЖАБОВИЧ

**СТОК ВЗВЕШЕННЫХ НАНОСОВ ГОРНЫХ РЕК УЗБЕКИСТАНА
И ОЦЕНКА ИНТЕНСИВНОСТИ СМЫВА ПОЧВО-ГРУНТОВ
С ИХ БАССЕЙНОВ**

11.00.03 - Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/G20.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.meteo.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хикматов Фазлиддин Хикматович доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Чембарисов Эльмир Исмаилович доктор географических наук, профессор Мурадов Шухрат Одилович доктор технических наук
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическим институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (99871) 135-85-12, факс: (99871) 237-13-13; e-mail: nigmi@albatros.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №___). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (99871) 1358512, факс: (99871) 2371319.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 года).

В.Е.Чуб

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.Э.Нишинов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н.

С.В.Мягков

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате глобального изменения климата, протекающего в мировом масштабе, наблюдается увеличение площади аридных территорий и повышение интенсивности эрозии почв. Как утверждается в исследованиях, выполненных зарубежными экспертами, «... с ростом численности населения одновременно понижается потенциал сельскохозяйственного производства, этому способствует уменьшение плодородия почвы в результате водной эрозии и неэффективного использования агроклиматических ресурсов, прежде всего, причиной этого является не правильная специализация территорий по отраслям сельского хозяйства»³. Такое положение указывает на необходимость исследования механизма формирования стока взвешенных наносов горных рек и усовершенствование методов оценки интенсивности смыва почво-грунтов с поверхности речных бассейнов.

Приоритетное внимание в мире уделяется исследованиям данного направления, в частности, водной эрозии и изучению особенностей формирования стока взвешенных рек, усовершенствованию методов их оценки. Поэтому, сегодня усовершенствование методов оценки интенсивности смыва почво-грунтов с поверхности водосборов горных рек и, на этой основе, проектирование ирригационных систем, гидротехнических сооружений и других инженерных коммуникаций, их строительство и эффективная эксплуатация, в будущем поэтапное освоение земельно-водных и водно-энергетических ресурсов горных территорий аридных стран, а также разработка перспективных планов их оптимального использования являются актуальными вопросами.

В республике осуществляется ряд мероприятий, направленных на развитие сельскохозяйственного производства, рационального использования земельных и водных ресурсов страны, эффективного использования водных и гидроэнергетических ресурсов малых рек и водотоков, строительства малых водохранилищ и достигнуты существенные положительные результаты. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в качестве важных обозначены задачи по «улучшению мелиоративных состояний орошаемых земель, внедрению современных технологий сбережения воды и водных ресурсов в сферу сельскохозяйственного производства»⁴. В этой связи, в частности, большое значение приобретают научные исследования, направленные на изучение гидрологического режима и стока взвешенных наносов горных рек, усовершенствование методов расчета их гидрологических характеристик.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

³ An Introduction to Water Erosion Control, December 2017.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» от 25 сентября 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3672 «О мерах по организации деятельности министерства водного хозяйства Республики Узбекистан» от 17 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Процесс водной эрозии, происходящий в речных бассейнах и формирование их продукта – стока взвешенных наносов рек и вопросам их количественной оценки посвящены исследования многих зарубежных ученых. В частности, эти вопросы рассмотрены в работах ученых бывшего Союза и нынешнего СНГ - Д.И.Абрамовича, Б.В.Полякова, Г.И.Шамова, Г.В.Лопатина, Н.И.Маккавеева, А.В.Караушева, Г.Н.Хмаладзе, М.Н.Заславского, К.С.Кабановой, Р.С.Чалова, Г.И.Швебс, А.П.Дедкова, В.И.Мозжерина, учеными дальнего зарубежья - Р.Е.Хортона, Н.Н.Bennett, A.Barat, N.L.Coleman, J.M.Jansen, R.V.Painter, V.A.Vanoni, W.D.Ellison, J.N.Holeman, W.H.Wisehmeier и других. В этих работах рассмотрены методы количественной оценки водной эрозии в речных бассейнах и научные подходы, направленные на изучение влияния различных физико-географических факторов на этот процесс, разработаны критерии классификации речных бассейнов по интенсивности водной эрозии.

В Узбекистане первые монографические исследования по данному направлению выполнены В.Л.Шульцем, О.П.Шегловой и другими. В дальнейшем эти вопросы изучены А.А.Ханазаровым, Х.М.Махсудовым, Ю.Н.Ивановым, А.Р.Расуловым, С.Р.Саидовой, З.С.Сирлибаевой, А.Н.Нигматовым, Ф.Х.Хикматовым, Х.К.Ташметовым, Д.П.Айтбаевым и другими. Работы этих ученых посвящены, в основном, исследованию процесса водной эрозии и ее продукта - стока взвешенных наносов рек, особенностей его формирования, влияние различных физико-географических факторов, в частности, изучению роли климатических факторов и, в конечном итоге, рациональному использованию земельных и водных ресурсов.

Однако, почти во всех перечисленных выше работах основное внимание уделено изучению стока взвешенных наносов крупных рек зарубежья, бывшего Союза или Средней Азии и оценке интенсивности водной эрозии, происходящих в их бассейнах. В этих работах не рассмотрены реки, формирующиеся в Узбекистане и сопредельных территориях. Данное

исследование посвящено более обстоятельному и в широком диапазоне изучению проблемы, связанную с формированием стока взвешенных наносов и интенсивностью смыва почво-грунтов на примере горных рек Узбекистана, на основе новых гидрологических сведений. Именно этими аспектами она отличается от приведенных выше работ.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментальных проектов научно-исследовательского плана Национального университета Узбекистана: ОТ-Ф6-062 – «Исследование некоторых закономерностей гидрологических и физико-географических процессов Аральского бассейна» (2007-2011 гг.) и ОТ-Ф5-13 – «Исследование закономерностей формирования гидрологического режима и водных ресурсов рек Узбекистана и сопредельных территорий в условиях изменения климата» (2017-2020 гг.).

Целью исследования является выявление особенностей формирования стока взвешенных наносов горных рек Узбекистана и усовершенствование методов количественной оценки интенсивности смыва почво-грунтов с поверхности их бассейнов.

Задачи исследования:

исследовать процесс формирования стока взвешенных наносов рек в зависимости от гидрологических и метеорологических факторов;

определение средних многолетних величин, т.е. нормы гидрологических показателей - расходов и объёмов стока взвешенных наносов, модуля смыва, слоя смыва и других, характеризующих интенсивность смыва почво-грунтов с поверхности бассейнов рек;

усовершенствование существующих методов количественной оценки интенсивности смыва почво-грунтов с бассейнов рек с учетом влияния на них метеорологических факторов;

выявление особенностей распределения интенсивности смыва почво-грунтов с бассейнов рек по высотным зонам;

